

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11047937>

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА КЎРГАЗМАЛИЛИК ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

**Қамбарова Насибахон**

Андижон давлат педагогика институти

"Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" йўналиши 2-босқич талабаси

***Аннотация:** Ушбу мақолада кўргазмали қуролларнинг аҳамияти ва уларни тайёрлашда ўқувчига қўйилган талаблар ҳақида қайд этилган. Мавзули композиция ишлаш дарсларида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, тасвирий санъат дарсларида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ва уларни афзаллиги ҳақида таъкидланган*

***Калит сўзлар:** кўргазмалилик, акварел, плакат, бўр, перспектива, композиция, тасвир.*

Тасвирий санъат дарсларида машғулотларнинг асосий мақсади ўқувчилар томонидан тузилган дарс конспектини мавзуларига кўргазмали қуроллар тайёрлашни методик жиҳатдан ўргатишдир. Ҳар бир тайёрланган кўргазмали қурол дарснинг мақсадини тўлиқ ёритиб бериши керак. Бўлажак дарс мавзунининг ёритилиши мобайнида баравар кўргазмали қуролнинг методик ғоясини эскизи чизиб борилса, мақсадга мувофиқдир. Дастлабки кўргазмали қурол эскизлари методист ўқитувчи билан бир фикрга келиб тасдиқлангандан сўнг, белгиланган бир ватман қоғози бетига дид билан рангда ишланади (бажарилади). Кўргазмали қурол эскизларини бажаришда ўқувчи куйидаги талабларни эътиборга олиши шарт:

- мактаб дастуридаги тасвирий санъат фанига мувофиқлиги;
- дидактик принцип ва қоидалари асосларига риоя қилган ҳолда ишлаш;
- шахснинг гармоник ривожланиш хусусиятларини фаол шакллантиришга ёрдам бериш.

Кўргазмали қуролнинг бадиий беагаи ўз функционал вазифасига лойиқ бўлиши керак. Масалан, ўқув жадвали «босиқ» ранглар билан бажарилиши лозим. Композицион тузилишнинг ечимини ўйлаб топиш ҳам муҳимдир. Ҳар хил ортикча бўлган тасвирлар билан тўлдиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Ўқув қуролларининг бош ёзувлари (сарлавҳалари) қисқа бўлиши, унинг асосий ғоясини акс эттириши лозим. Равон ўқиладиган шрифт танланган бўлиши керак.

Кўргазмали қуролнинг сарлавҳаси ундаги тасвирларга нисбатан жойлаштирилади. Кўргазмали қурол тайёрлашда туш, гуаш, кўмир таёқчаси, сангина, пастел, рангли бўр, акварел кабилардан фойдаланилади. Плакатларда тасвирларнинг босқичлари, сув бўёқда ишлаш сирлари, перспектив қисқариш сирлари ва қонунлари, амалий ишларнинг босқичма-босқич бажарилиш йўллари кўрсатилади. Кўргазмали қуроллар тасвирий санъат дарсларининг барча турлари (натурага қараб тасвирлаш, композиция, дизайн, санъатшунослик асослари, ҳайкалтарошлик)да қўлланилади. Тасвирий санъатдан кўргазмали қуроллар қўлланиш вазифаларига кўра бир неча турларга бўлинади. Дарсларда кўпинча босқичма- босқич кўрсатувчи плакатлар қўлланилади. Бундай кўргазмали қуролларни бўлғуси кичик мутахассис натурага қараб тасвирлаш, композиция, дизайн каби дарсларига мўлжаллаб тайёрлашлари лозим. Мавзули композиция ишлаш дарсларида қўлланиладиган кўргазмали қуроллари орқали тасвирлаш кетма-кетлиги бир неча босқичларда кўрсатилади:

1. Маълум мавзу бўйича тасвирланадиган расмларнинг вариант- ларининг тузилишлари кўрсатилади.
2. Композициянинг асосий элементларини тасвирлаш.
3. Катта ва кичик ўлчамлардаги кўринишларнинг аниқ тузилишини тасвирлаш.
4. Нарсаларнинг ёруғ ва сояларини бўёқ билан ишлаш усулларини кўрсатиш.
5. Тўлиқ тугалланган композиция

Мавзули композиция ишлаш дарсларидаги кўргазмалиликнинг яна бир тури рангтасвир асосларини тасвирлаш орқали кўрсатилишидир. Жозибали ранг-баранг бўёқлар билан расм ишлашни ўқувчиларга оғзаки тушунтириш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун профессор-ўқитувчи алоҳида планшетга тортилган қоғоз четида сувбўёқлар билан ишлаш усулларини кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Санъатшунослик асослари дарсларида санъат асарларини катта, ўлчамдаги репродукцияларидан кўргазмали қурол сифатида қўлланилади. Охириги пайтларда асарларни катта ўлчамдаги репродукцияларининг топилиши амри маҳол. Бундай ҳолда репродукцияларни сканер орқали компьютер хотирасига киритиб видеокўзгу орқали катталаштириб экранда кўрсатилади ва асарларнинг бадиийлик хусусиятларини таҳлил қилади. Тасвирий санъат дарсларида бундай кўргазмали қуроллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади ҳамда ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини, ижодий қобилиятларини шакллантиришда ёрдам беради. Кўргазмали таълим дидактик принципларнинг асосийларидан биридир. Графикали кўргазмали қуроллар, асосан, математика, адабиёт, табиат- шунослик, тасвирий санъат дарсларида кўпроқ фойдаланилади. Бу эса бадиий асарлар репродукциялари, фоторасмлар, диафилмлар,

диапозитивлар, китоб иллюстрациялари кабилардир. Шу билан биргаликда шуни айтиш лозимки, ўқитувчи ўз тажрибасида синф тахтасида расм ишлаш йўлларида жуда ҳам кам фойдаланади. Афтидан ё ўқитувчиларда бўр билан синф тахтасида расм ишлаш кўникмалари йўқ ёки улар педагогик расмга етарли эътибор қаратмайдилар. Педагогик тасвир бу ўқитувчининг синф тахтасига, махсус планшетларга ва ўқувчи расм дафтарида бурчак четига тасвирланган расмлардир. Айрим ҳолда график кўргазмаларни қуроллар педагогик расмларнинг ўрнини босолмайди. Буларни тушунадиган тажрибали ўқитувчилар оғзаки тушунтириш вақтида намоён этилган кўргазмаларни қуроллар керакли бўлган тасаввур кўринишларини ҳосил қилмагандан сўнг педагогик расмлардан кенг фойдаланишади. Педагогик тасвирлар тайёр жадваллар, расмлардан ўзининг бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади. Бу афзаллик шундан иборатки, ўқитувчи ўз ҳикоясини тасвир орқали кўрсатишда, ўқувчиларнинг кўз ўнгида тасвирни пайдо бўлиши, унинг тўлдирилиши ва тугалланиш кўринишларини динамик жараёни(ҳолати)ни яққол кўрсатиш имконига эга бўлади. Тасвир мустақил равишда ёки иллюстрацияларни тўлдирувчи бўлиб, уларнинг бўлак қисмларини изоҳлаб бориши мумкин. Оддий, аниқ тасвирлар у ёки бу воқеани, нарсаларни образли, кўргазмаларни қилиб кўрсатади. Лекин уларни бирон-бир махсус ҳозирликсиз бажариш мумкин эмас. Нотўғри, пала-партиш расмлар, нарсалар тўғрисида янглиш тасаввурлар беради ва эстетик дидни шаклланиш жараёнига салбий таъсир этади. Ва аксинча, мазмунли ва чиройли бўр билан бажарилган тасвирлар нарсалар тўғрисида ҳаққоний ва аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Саводли педагогик расм графикали фикрлашни, кузатувчанликни ўстиради. Педагогик расмни чизишга қизиқиши фаннинг ўзига бўлган қизиқишини уйғотади. Одатда, оғзаки тушунтириш жараёнида тасвирлар бажарилиб борилса, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини тортиши мумкин. Ўқувчиларни бир вақтда эшитиш ва кўриш қобилиятлари орқали олаётган таассуротлари, ўзгача янги материални чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришида аниқ тасаввурлар бўлишида ёрдам беради. Педагогик расмларни тасвирлашда энг муҳими аниқ, схемали тарзда, нарсаларни ўзига хос характерли шаклини, ўлчамларини, ҳажминини, айрим пайтда иложи борича ранглари ҳам тўғри тасвирлашдир. Уларни ҳар бир штрихи ва чизиқлари маъноли ишни бажаради. Кўргазмаларни қуроллар билан бир қаторда педагогик расмларни ҳам тарбиявий имкониятлари жуда каттадир. Педагогик расмларнинг хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Педагогик расмлар ўқувчиларни расм чизишга бўлган қизиқишларини ўстиради.
2. Дарсга фаол иштирок этишга ёрдам беради.

3. Ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатишга (ёрдам беради) йўналтиради.
4. Расмни қандай қилиб чизишга йўналиш беради.
5. Тасвирлаш босқичларини намойиш қилиб кўрсатади.

Педагогик тасвирларнинг турлари бир нечта. Дарсни ҳикоя қилиш ва тушунтиришнинг мазмуни ва мақсадларига кўра қуйидаги у ёки бу педагогик тасвирлаш турлари қўлланилади:

- а) чизиқли тасвирлаш;
- б) сатрихли тасвирлаш;
- д) тоналлик (тусли) тасвирлаш.

Чизиқли тасвир энг оддий ва кенг тарқалган тури. Бу ерда нарсалар яхлит туташ чизиқлар ёрдамида ёруғлик манбаларисиз ва шаки ҳажмисиз тасвирланади. Чизиқли тасвир ўз навбатида текисли (яссилик) ва перспективали бўлиши мумкин. Текисли расмда нарсани фақат узунлиги ва эни берилади. Масалан, барг шаклининг расми, тоғлар ва ҳ.к.

Перспективали чизиқли тасвирда нарсалар учта ўлчамдан иборатлигини кўрсатади бўйи, эни ва баландлиги. Бундай расмларни бажариш машаққатли, негаки, перспектива ёрдамида тасвирлашнинг асосий қонунларини билиш керак ва синф тахтасида бўр билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши керак. Перспективада тасвирланган расм- да нарсалар тўғрисида тўлиқ тасаввур беради.

### **Чизиқли тасвир**

Штрихли тасвир қисқа чизиқ штрихларнинг комбинациясини ўз ичига олади, одатда, улар чизилган нарсаларни соя томонларида жойлашади. Нарсаларнинг ҳажмини кўрсатишда тасвирдаги штрихлар буюм шакллариининг йўналишлари юмалоқ ва текислик бўйича юритилади. Нарсанинг ҳажми кўрсатил- магунча штрихлар бир неча маротаба юргизилади. Чизиқли тасвирлашга қараганда штрихли тасвир мураккаброқ, шу сабабли ҳам ундан фойдаланишдан олдин мувофиқ (тегишли) машқлар талаб қилади. Нарсани фақатгина силует ёки контурини эмас, балки унинг ҳажмини ҳам кўрсатиш керак бўлган ҳолда штрихли тасвирлашдан фойдаланилади.

### **Штирли тасвир**

Тоналлик (тусли) тасвир бажарилиши янада мураккаброқ. Бундай усулдан нарсани янада яхлит ва кўрғазмали кўрсатишда қўлланилади. Тусли тасвирнинг бажарилиши қуйидагича: синф тахтасига нарсанинг ташқи кўриниш чизиқлари билан тасвирланади, унга бўр суртилган латта билан юпқа қатлам юргизилади; қоронғи бўлган жойлари ўчирилади, ёруғ жойлари бўр билан янада кучайтирилади; ундан кейин чизилган нарсани характерли қисмлари бўрттириб чизиб қўйилади.

### **Бўр билан ишлаш**

Турли расмларда айрим ҳолларда рангли бўрлардан ҳам фойдаланилади. Ўқитувчига кўпинча бирон-бир кўринишни пайдо бўлишини, ҳаракатини, динамикасини тушунтиришга тўғри келади. Уларнинг шу ҳолатини кўрсатиш ва афзал тушунишга мултипликация расмлар бера олади (рўй бераётган воқеани кетма-кетлигини тасвирловчи расмлар). Ҳар бир расм, ўқувчиларнинг кўз олдида пайдо бўлади ва тавсифланади (изоҳ берилади). Агарда, ўқитувчининг синф тахтасида бўр билан ишлаш малакаси бўшроқ бўлса, у пайтда олдиндан қоғозга 3-4 босқичда бажарилган расмларни тайёрлаб олиши мумкин. Дарс вақтида уларни кетма-кет кўрсатиб тушунтириш олиб борилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хасанов. Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Тошкент "Ўқитувчи" 1996 й
2. Бойметов. Б, Толипов. Н. Мактабда тасвирий санъат тўғараги. Т, 1995 й
3. Бойметов. Б Толипов Н "Мактабда тасвирий санъат тўғараги Тош 1995
4. Коменский Я А" Великая дидактика" Изобр пед соч Москва Учпедгиз 1995
5. Аҳмедова Х. ва бошқалар. Болангиз мактага тайёрми?-Т.: 2000.
6. Рахим Хасанов, Хошимтерди Эгамов "Тасвирий санъатдан дарс ишланмалари" Тошкент - 2003 йил.
7. С. Ф. Абдирасилов "Тасирий санъат ўқитиш методикаси" Тошкент-2012 йил.